Д. Шодибекова,
иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Д. Шодибеков, Б. Хайдаров, Б. Набиев,
С. Умрзақова, тадқиқотчи, ТДИУ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жуда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ислоҳотларни чуқурлаштириш кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариб, халқ турмуш фаровонлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик муҳити мамлакатнинг ривожланиш асосини ташкил этади ва ишбилармон кишиларнинг фаолият мазмунини белгилаб беради.

Иқтисодий жараёнлар қанчалик унумли бўлса, жамият моддий ва маънавий жиҳатдан шунчалик юқори даражада бўлади. Иқтисодий жараёнларнинг самараси амалда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг сони ва сифати ҳамда шу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар сони билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик ишига янги тадбиркорларни жалб этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳоли яшаш даражасини яхшилашга олиб келади.

Кичик бизнес субъектларининг текширувлар сони кескин қисқартирилиши, жарима чоралари қўллашнинг суд механизми жорий этилиши, статистика ҳисоботи ва рўйхатга олиш жараёнларига бизнеснинг вақти ва молия харажатлари камайиши туфайли 01.01.2011 й. ҳолатига келиб, рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 01.01.2010й. ҳолатига нисбатан 3,34 фоиз ўсди. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 50,1 фоиздан мос равишда 53,0 фоизгача ўсди (1-расм).



1-расм. **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши(фоизда)**

Манба:Ўз Республикаси Статистика қўмитаси материаллари асосида таёрланган

Сўнгги йилларда кичик бизнесни ривожлантириш учун бозор механизмини сезиларли даражада кучайтириш бўйича энг муҳим чоралар кўриб чиқилди. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-мухитни такомиллаштириш, тадбиркорларни хорижий шериклар билан ишбилармонлик алокаларини мустахкамлаш, маҳаллий товар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланди ва Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушлари етарли даражада ошди.

Жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушлари динамикаси (2005-2010йилларда)

Кўрсаткичлар	2005й.	2006й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
ЯИМ	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	53,0
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9	19,6
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9	97,9
Инвестиция	24,0	26,5	23,7	24,6	23,7	30,8
Қурилиш	50,9	52,1	55,4	58,4	41,6	52,3
Савдо	43,7	45,7	48,2	48,1	46,3	50,5
Хизмат кўрсатиш	52,5	50,8	50,1	48,5	47,6	47,7
Юк ташиш	24,6	27,2	34,7	38,9	39,5	40,0
Йўловчилар ташиш	65,7	69,4	75,7	78,5	78,9	78,9
Бандлик	64,8	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3
Экспорт	6,0	10,7	14,8	12,4	14,6	13,6
Импорт	33,7	34,5	32,0	35,7	42,5	36,6

Манба:Ўз Республикаси Статистика қўмитаси материаллари асосида таёрланган.

Тадбиркорлик фаолият тури ўзининг қулайлиги ва кам харажатлилиги билан бу фаолиятнинг ривожланиб бориши асосида янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашига катта ёрдам беради.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш учун И.А.Каримовнинг бир қанча фармонлари ва хукумат қарорлари қабул қилинди ҳамда амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишблармонлик муҳитини яратиш қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:

- тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини такомиллаштириш;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш жараёнлари турларини қисқартириш ва соддалаштириш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг хабар қилишга оид тартибини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан билиш мумкинки, давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига унинг ривожланишига ҳуқуқий ҳолатига улар фаолиятининг кафолатланганлигига амин бўламиз.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда солиқ соҳасидаги ислоҳотлар жуда муҳим ўрин тутади (2-расм).



2- расм. **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ ставкаси ўзгариши динамикаси**

Манба:Ўз Республикаси Статистика қўмитаси материаллари асосида таёрланган

Янги ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти текширувларини камайтириш, улар фаолиятидаги ҳар қандай хавфли тўсиқларни олиб ташлаш, давлат томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг энг катта камчиликларидан бири, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан етарли даражада билимга эга эмаслигидир.

Мамлкатимиздаги барча тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмини янада соддалаштириш, кредит фоизларини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз ўз маърузасида нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг айрим умумий хулосалари, уларнинг жаҳон

иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари хусусида қисқача тўхталиб ўтди [1].

Биринчидан, экспертларнинг таҳлил ва хулосаларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб боради ва эндиликда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин ўсиши кутилади.

Иккинчидан, кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солиқ тушумларининг жиддий камайиши, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

Учинчидан, жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Тўртинчидан, фонд, хомашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

Бешинчидан, иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

Олтинчидан, халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

Молиявий-иқтисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узоқ давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, молиявий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳо ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтган вужудга келаётган бундай шароитда мамлакатимиз банк тизими тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида келажакда белгиланган параметр ва кўрсаткичларнинг

---

[11] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2009 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» маърузаси.

бажарилишини таъминлаш мақсадида устувор стратегик йўналишлар сифатида қуйидагиларни белгилайди:

а) тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий, оилавий тадбиркорлик тизими мавқеини янада мустаҳкамлаш;

б) халқ истеъмоли товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс банк хизматларини кўрсатиш;

в) қишлоқ жойларда жойлашган халқ истеъмоли товарлари ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахтани қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ҳамда сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ҳамда молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

г) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, техника ва технологияларни янгилаш, илғор хориш технологиялари ҳамда ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

д) кредит ва инвестиция портфели сифати, уларни диверсификациялаш ҳамда қайтарувчанлик даражасини ошириш орқали молиявий муассасаларнинг фойдалилиги ва самарадорлилигини таъминлаш;

е) банкнинг мақбул даражадаги капиталлашуви ва ликвидлилигини унга юклатилган вазифалар ҳамда мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

ё) халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва мамлакат иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини шу маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштириш;

ж) мижозларнинг талаб ва таклифлари ҳамда маҳаллий ва халқаро банкларнинг сўнгги ютуқларидан келиб чиқиб, банкда доимий инновацион фаолиятни амалга ошириш, бунда янги хизмат турларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

з) чет эл молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан янги имкониятларга эга бўлиш мақсадида нуфузли рейтинг компанияларидан банкка барқарор прогнозли рейтинглар олинишини таъминлаш;

к) корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш ва банкнинг ижро органининг самарали фаолият юритишини таъминлаш, банкнинг Интегралашган ахборот-таҳлилий тизимини (ИАТТ) изчил такомиллаштириб бориш, Марказий банкнинг ИАТТ билан боғланишини таъминлаш, Internet-banking ҳамда SMS-banking тизимларини жорий этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Шуни қайд этиш лозимки, кўриб ўтилган ҳамма муоммоларни комплекс холда ҳал этиш, Ўзбекистон молиявий муассасалари молиявий барқарор ва рақобот устинлигига эга ҳақиқий тижорат корхоналари бўлиш ёрдам беради ва келажакда Ўзбекистон молия тизимининг мамлакат равнақи ва тадбиркорлар манфаати учун курашувчи энг қудратли тизимга айланишига хизмат қилади.